



МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАТСИЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Abdullayev Akmaljon Yo'lbiboyevich

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi

"Tergov faoliyati" kafedrasи katta o'qituvchisi

Имомов Собир Мухаммадқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3 курс 320 гурӯҳ курсанти

Абдуназаров Севдиёр Дилшод ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

3 курс 320 гурӯҳ курсанти

Аннотация: Ushbu maqolada мансаб сохтакорлигини келтириб чиқарадиган асослар, Мансаб сохтакорлиги учун жавобгарликни белгилашда асосий тушунчалар тўлиқ ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Мансабдор шахс, Мансаб сохтакорлиги, зарурий белги, Жиноят обьекти ва субъекти тушунчалари.

Аннотация: В этой статье рассматриваются основы мошенничества в карьере и ключевые концепции определения ответственности за мошенничество в карьере.

Ключевые слова: Понятия должностного лица, профессионального мошенничества, необходимых признаков, объекта и субъекта преступления.

Annotation: This article covers the basics of career fraud, and the key concepts in determining liability for career fraud.

Keywords: Concepts of official person, Professional fraud, necessary sign, object and subject of crime.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, хамма нарсадан устун қўядиган “адолат” туйғусини хаётимизда янада кенг қарор топтириш, биринчи даражали вазифа эканига алоҳида эътибор қаратмоқда¹. Жамиятимизда коррупция турли жиноятларни содир этиш ва бошка ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши кўрашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги конун талабларини амалда таъминлаш

¹ Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиётига ва ҳалқ фаровонлиги гарови” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маъruzаси – Тошкент 2016 й.



бўйича қатъий чоралар кўриш зарурлиги таъкидланмоқда. 2017 йил 4 январьдан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кўрашиш тўғрисида”ги қонуни кучга киргани коррупцияга бархам бериш учун барча асосларни яратиб берди. Жамиятда жиноятга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш ўта долзарб масала бўлиб, гарчи уни бажариш доирасида масъул идоралар белгиланган бўлсада, унинг тўлақонли рўёбга чиқиши учун хар бир фуқаро ўзида масъулият ҳис этса қўйилган мақсад ва муддаолар эчими пайдо бўлади.

«Мансабдор шахс» тушунчаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлими (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)да берилган бўлиб, унга кўра, мансабдор шахс деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади²

Мансаб соҳтакорлиги деганда, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши натижасида фуқароларнинг ҳукуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши тушунилади.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, нафақат, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият тартиби бузилишида, балки ушбу жиноят бошқа жиноятлар (масалан, талон-торож, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқалар) содир этилишини осонлаштириши ёки яширишида ҳам намоён бўлади.

Жиноятнинг бевосита обьекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Кўшимча бевосита обьектини** фуқароларнинг ҳукуқлари, қонун билан қўриқланадиган

² Жиноят ҳуқуқи (маҳсус қисм), Тошкент 2000 йил 302-318 бетлар; Ахраров Б.Д. Мансабдорлик жиноятлари хақидаги қонунлар. (Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари; назария ва амалиёт илмий-амалийанжуман материаллари) тўпламида. Тошкент. 1994 йил 86-88 бетлар; Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. Автореферат. к.ю.н. Ташкент-1994 йил



манфаатлари, давлат ёки жамоат манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ташкил қиласди.

Мансаб соҳтакорлиги жиноятининг зарурий белгиси – бу жиноятнинг предмети, яъни расмий хужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма берииш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириши тартиби тўғрисидаги Низом»³нинг 5-бандига мувофиқ, **расмий ҳужжатлар муайян серия ва тартиб рақамига эга бўлган ҳисобда турадиган ҳужжатлар** ҳисобланади. Мазкур тушунчадан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш мумкинки, расмий хужжат – бу юридик аҳамиятга эга бўлган муайян факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, серия ва тартиб рақами) мавжуд бўлган шаклдаги хужжатдир.

Жиноятнинг объектив томони мансабдор шахс томонидан қўйидаги ҳаракатлардан бирининг содир этилишида ифодаланади:

- расмий хужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш;
- била туриб хужжатларни қалбакилаштириш;
- била туриб сохта хужжатлар тузиш ва тақдим этиш.

Диплом ишида сохта хужжатлар қўйидаги гурухларга ажратилган: 1) шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжатлар (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт, ҳарбий билет); 2) ҳуқуқ берувчи сохта ҳужжатлар (таълим муассасасини ёки 12 малака ошириш курсларини тутатганлиги ҳақидаги диплом, сертификат, меҳнат дафтарчаси); 3) мажбуриятлар юкловчи ёки улардан озод қилиувчи сохта ҳужжатлар (пенсия гувоҳномаси, тиббий комиссиянинг холосаси).

ЖКда расмий хужжат атамасига таъриф бериш ва уни қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган: «**расмий ҳужжат** – шахсини тасдиқловчи, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқ бериш ёки ундан маҳрум қилиш ёхуд мажбурият юклаш ёки ундан озод қилиш ёки бошқа ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган, ваколатли мансабдор шахс томонидан қабул қилинган (тасдиқланган), лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари мавжуд бўлган ёзма ёки электрон хужжат».

Мансаб соҳтакорлиги жинояти моддий маркибли бўлганлиги учун мансабдор шахс томонидан модда диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлар ёки

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори 12 чи хатбошиси.



қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига **жиддий зарар етказилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган** ҳисобланади.

Мансаб сохтакорлиги жиноятынинг субъектив томони айнинг қасд шаклида ифодаланади. Айбдор расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши ижтимоий хавфлилигини ва бунинг натижасида таҳлил қилинаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишини истайди.

Мансаб сохтакорлиги жиноятынинг субъекти 18 ёшга тўлган мансабдор шахслар ҳисобланади. Мансабдор бўлмаган шахс томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумот ёки ёзувлар киритилган, улар қалбакилаштирилган, сохта ҳужжатлар тузилган ва тақдим этилган ҳолларда қилмиш Жиноят кодексининг 228-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Мансаб сохтакорлиги: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 209-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Шундай қилиб мазкур мақолада мансаб сохтакорлигини жиноятынинг субъекти, субъектив томони, объект ва объектив томонларини ёритиб беришга харакат қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси 2022 йил <https://lex.uz/docs-20596>.
2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиётига ва ҳалқ фаровонлиги гарови” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандигини 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимидағи маъruzаси – Тошкент 2016 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. –Тошкент: 2022 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. –Тошкент: 2021 й.
5. Д.М.Миразов, А.Х.Рахмонкулов “Дастлабки тергов” дарслик. - ИИВ Академияси. Т.2012 й.
6. Подшибякин А.С. “Классификация вопросов, используемых при допросе в состязательном уголовном процессе” -МГОУ. 2007 г.